

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛОНОВА КЛАРАХОН МАХМУТОВНА

ОНА ТИЛИ ФАНИНИ АДАБИЁТ ФАНИ БИЛАН БАДИИЙ МАТН
ОРҚАЛИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Мавлонова Кларахон Махмутовна

Она тили фанини адабиёт фани билан бадий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш5

Мавлонова Кларахон Махмутовна

Совершенствование методики преподавания родного языка через интеграцию с литературоведением посредством художественного текста ...23

Mavlonova Klaraxon Makxmutovna

Improving the methodology of integrated teaching of the subject of native language with the subject of literature through literary texts 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛОНОВА КЛАРАХОН МАХМУТОВНА

**ОНА ТИЛИ ФАНИНИ АДАБИЁТ ФАНИ БИЛАН БАДИИЙ МАТН
ОРҚАЛИ ИНТЕГРАЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdpu.uz ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ниёзметова Роза Хасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор
Юсупова Шохихахон Жалолитдиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув шароитида фанларни интеграциялаб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга эътибор қаратилиб, таълим сифатини ошириш, ижодий тафаккур ва билим олишни рағбатлантириш ЮНЕСКОнинг халқаро таълим концепциясида белгилаб берилди¹. Буюк Британия, Германия, Корея, Швейцария, Венгрия, Россия ва Хитойдаги етакчи олий таълим муассасаларида тил ва адабиёт фанларини ўқитиш жараёнига интерфаол таълим технологиялари татбиқ этилди ҳамда таълим мазмуни интегративлик тамойиллари асосида такомиллаштирилди.

Жаҳонда таълим олувчиларнинг лингвистик ва нутқий компетенциясини шакллантиришда адабий асарлардан фойдаланиш, асар таҳлили орқали тилга оид билимларни чуқурроқ эгаллаш, она тили дарсларида бадиий асарнинг тил хусусиятларини адабий тушунчалар билан мувофиқ ҳолда ўрганишнинг назарий масалалари тадқиқ этилмоқда. Она тили ва адабиёт фанларини интеграциялаб ўқитиш, бадиий матннинг тил хусусиятларини адабий тушунчалар асосида ўрганиш, бадиий асарлардан ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда умумтаълим, жумладан, она тили ва адабиёт фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллиги таъминланди, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик таълим жорий этилди, таълим-тарбия мазмунининг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, моддий-техника базаси яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш”² таълим соҳасидаги устувор йўналиш сифатида белгилангани “таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш”³, фанлар интеграцияси асосида таълим мазмуни ва усуллари такомиллаштириш, она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш, бугунги кундаги “Она тили” дарсликлари имкониятларини назарда тутиш масалаларини махсус тадқиқ этиш, ўқувчиларнинг нутқий компетенцияси ҳамда ижодий тафаккурини талаб даражасида шакллантириш имкониятларини кенгайтди.

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил 14 май, № 94.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада умумий ўрта таълим жараёнида она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш, ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва нутқини ўстириш масалалари Й.Абдуллаев, Н.Алавутдинова, А.Бобомуродова, Н.Дадажонова, Т.Зиёдова, Н.Йўлдошева, М.Мирмахсудова, Ҳ.Неъматов, М.Омилхонова, Н.Сатторова, М.Саидов, Р.Сафарова, Н.Шукруллаев, Ш.Юсупова, Т.Юсупова, Н.Қосимова, А.Ғуломов; адабиёт дарсларида бадиий асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш, ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстириш масалалари Д.Исломова, Қ.Йўлдошев, С.Матчон, М.Мирқосимова, Р.Ниёзметова Б.Тўхлиев, Ф.Эгамбердиева, Г.Эшчанова, Қ.Хусанбоева; адабиёт ва она тили фанларини алоқадорликда ўрганиш А.Алиев, К.Абдуллаев, Б.Фозилова, А.Зуннуновлар томонидан ўрганилган; Қ.Ядгаров академик лицейларда адабий асар тилини ўргатишнинг лингводидактик асослари масаласини тадқиқ этган.

МДХ давлатлари олимларидан А.Алферова, И.Апалькова, Ю.Ганьшина, Р.Дошинский, А.Лойченко, Е.Маркина, Г.Мамона, Е.Минкина, Н.Никитина, А.Пронина, Р.Рамазанова, Н.Семенова, Р.Сидоренко, Г.Стуколкиналарнинг тадқиқотларида рус тили дарсларида бадиий матн устида ишлаш, қуйи синфлар ўқувчиларининг нутқини она (рус) тили ва адабиёт ўқув фанини интеграциялаган ҳолда адабий материаллар асосида ўстириш усуллари каби масалалар ўрганилган.

Хорижда таълим босқичларида адабиёт ва тил интеграцияси самарадорлиги, ўрта таълимда тилни бадиий асарлар орқали ўрганиш масалалари бўйича А.Андерсон, И. Батлер, Л.Кракауэр, П.Кеннеди, Г.Лазар, П.Фалфей каби олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасининг “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг замонавий методикаси” мавзусидаги илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

она тили фанини бадиий матн орқали адабиёт фани билан интеграциялаш муаммоларини, 5–9-синф адабиёт дарсларида ўрганиладиган бадиий тасвир воситалари ва шеърини санъат турлари билан боғлиқ таълим мазмунининг мавжуд ҳолатини педагогик ва методик жиҳатдан таҳлил қилиш;

она тили ва адабиёт фанларини ўзаро интеграциялаб ўқитиш мазмуни, дидактик компонентлари ва методикасини такомиллаштириш;

она тили дарсларида ўқувчиларнинг бадиий матнни ўқиш ва уни бадиий идрок этишларини тавсифлаш ҳамда ифодали ўқишни ўргатишга доир илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

она тили дарсларида ўқувчиларнинг бадиий матндан бадиийликни таъминловчи воситаларни аниқлаш, аташ, изохлаш, таҳлил қилиш, бадиий услубда матн яратиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти – она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социологик методлар (сўровнома, суҳбат), педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

она тили ва адабиёт фанлари таълими мазмуни лингвистик тушунчалар билан бадиий тасвир воситалари ва шеърини санъат турларига оид адабий тушунчаларни икки томонлама (ўзаро таъсир) ҳамда ташқи (она тили таълими мазмунини адабий тушунчалар билан бойитиш) интеграциялаш орқали такомиллаштирилган;

она тили ва адабиёт фанларини интеграциялаб ўрганиш тартиби коммуникатив, нутқий компетенцияни шакллантиришга йўналганлик, кашфиётчилик, онгли ва фарқли ёндашувлар, узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида аниқланган;

она тили дарсларида ифодали ўқишга ўргатиш методикаси ўқувчиларнинг бадиий матнни ўқиш ва уни бадиий идрок этишда фигура ва фонга диққат қаратиш, эстетик таъсир, ижодий тафаккур устуворлиги асосида такомиллаштирилган;

она тили дарсларида бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларини матндан аниқлаш, аташ, изоҳлаш, таҳлил қилиш, бадиий услубда матн яратишни ўргатиш методикаси Блум таксономияси даражалари (билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, умумлаштириш, баҳолаш) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

она тили дарсларида бадиий матн орқали бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турлари юзасидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар доирасида бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш тартиби, бунда уни бадиий идрок этган ҳолда ифодали ўқиш, ўрганилаётган бадиийликни таъминловчи тил ҳодисаларини аниқлаш, аташ ва изоҳлаш (таҳлил қилиш)га доир тавсиялар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига татбиқ этилган;

адабиёт фанидан ўрганиладиган таълим мазмунига айрим ўзгартиришлар киритиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган;

тадқиқот натижаларидан компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТС ва ўқув дастурларини яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амал қилинган ёндашув ва тамойиллар, қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммо юзасидан республика миқёсида ҳамда хорижий олимларнинг ғояларига, амалиётчи ўқитувчиларнинг тажрибаларига таянилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти она тили фанини бадиий матн орқали адабиёт фани билан интеграциялаш масалалари, 5 – 9-синфлар адабиёт дарсларида ўрганиладиган бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турлари билан боғлиқ таълим мазмунининг мавжуд ҳолатининг таҳлил қилинганлиги, бадиий матнлар орқали бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларини интеграциялаб ўқитиш нуқтаи назаридан она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга доир таклифларнинг ишлаб чиқилганлиги, такомиллаштирилган методикада ўқувчиларнинг нутқий лаёқатини шакллантириш, сўз ишлатиш маҳоратини эгаллаш, ижодий қобилиятларини ўстириш мазмуни ва методларининг асосланганлиги, она тили дарсларида бадиий матнларни бадиий идрок этишнинг ўзига хос (адабиёт дарсларидагидан фарқли) хусусиятлари очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотда илгари сурилган ғоялар, амалий тавсиялар “Она тили” ҳамда “Адабиёт” дарсликларини яратишга, она тили ва адабиёт фанларини интеграциялаб ўқитиш сифатини оширишга, олий таълимда мутахассислик фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишга, ихтисослик фанларини ўқитишга, малака ошириш курсларида, шунингдек, она тили ва адабиёт ўқитувчилари дарс жараёнида фойдаланишларига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

она тили ва адабиёт дарсларида бадиий матн устида ишлаш босқичлари мазмуни, ўқувчиларнинг нутқий лаёқатини шакллантириш методлари, она тили ва адабиёт дарсларини бадиий тасвир воситалари асосида интеграциялаш методикаси умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия ишлари жараёнига татбиқ этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 01-476-сон маълумотномаси). Натижада она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг дарс ўтиш жараёни самарадорлиги ҳамда ўқувчиларнинг бадиий матн билан ишлаш малакалари ошишига хизмат қилган;

интегрatív характердаги тадқиқот натижалари олий таълим тизимида 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши учун мутахассислик: Ўзбек тилини ўқитиш методикаси, Ёзма ишларни ташкил этиш методикаси ва Тил ва адабиёт таълимида интеграция фанларини ўқитиш мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 январдаги 89-03-459-сон маълумотномаси). Тадқиқот иши натижалари она тили ва адабиёт фанлари мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга қаратилган;

она тили дарсларида бадиий матн билан ишлаш тартибига оид методик тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университетининг А-1-61 рақамли “Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 майдаги 89-03-1985-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари она тили дарсларида кўриш имконияти чекланган ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, бадиий матндан бадиийликни таъминловчи воситаларни аниқлаш, аташ, изоҳлаш, таҳлил қилиш ҳамда бадиий услубда матн яратиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4та халқаро ва 25та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 43та илмий иш, жумладан, 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган

илмий нашрларда 13та (10таси республикада ва 3таси хорижий журналда) нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Она тили фанини адабиёт билан бадий матн орқали интеграциялаб ўқитишнинг лингводидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида она тили дарсларида бадий матнларнинг тил хусусиятларини адабиёт дарслари билан интегративлик асосида ўрганишнинг аҳамияти асосланган, она тили дарсларини адабиёт дарслари билан ташқи ҳамда икки томонлама интеграциялашнинг моҳияти очилган, бундай интеграциялашнинг асосий ёндашув ва тамойиллари ажратилган, муаммонинг бугунги ҳолати ёритилган, шунингдек, она тили ва адабий таълим мазмунини адабий ва лингвистик тушунчаларни ўрганиш даври ва босқичларини мувофиқлаштириш нуктаи назаридан такомиллаштиришга доир таклифлар баён қилинган.

Ўқувчиларда нутқ маданиятини шакллантириш “Она тили” фанидан Давлат таълим стандартида белгиланган сифат кўрсаткичларига доир талабларнинг бир қисми: ўз фикрини “она тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда тўғри ва равон баён эта олишни ривожлантиришга қаратилган нутқий ва лингвистик компетенцияларни шакллантириш” ҳисобланади. Нутқий ривожланишга хос ушбу сифатлар она тили фанини адабиёт билан бадий матн воситасида интеграциялаш, яъни адабиёт дарсларида олинган назарий маълумотлардан, эгалланган кўникма ва малакалардан она тили дарсларида фойдаланиш йўли билан ҳам янада оширилади.

Таъкидлаш жоизки, адабиётшуносликка доир манбалар асосида мактаб адабий таълимида бадий тасвир воситаларини “Адабиёт” дарслигида берилганидек эмас, балки икки гуруҳга бўлиб: бадий тасвир воситалари (насрий асарлар учун) ва шеърий санъатлар (шеърий асарлар учун) деб аташ, шундан келиб чиқиб шеърий намуналар таҳлил қилинганда *ташбиҳ* атамаси, насрий асарлар таҳлилида эса *ўхшатиш* атамасини қўллаш, дарсликдаги

“Бадиий тасвир воситалари шеърий санъатлар деб ҳам юритилади” деган ноаниқ изоҳга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Она тили дарсларида бошқа ўқув фанлари билан турли даражада интеграция амалга оширилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш усули бўйича: бир томонлама, икки томонлама, кўп томонлама интеграцияланиши мумкин. Бир томонлама интеграцияланишда ўқув фанидаги мақсадга мувофиқ келган ҳолатлардан андаза олинади, иккинчисида ўзаро таъсир орқали бир-бирининг таълим мазмунини унификация қилиш, бойитиш ишлари рўёбга чиқарилади. Бири билан (масалан, рус тили, чет тиллар, қисман тарих) бир томонлама, иккинчиси, аниқроғи, сўз санъати – адабиёт ўқув фани билангина икки томонлама интеграциялаш юзага келади. Кўпроқ рус тили, қисман чет тиллар, тарих ўқув фанларидан она тили таълими мазмуни учун ижобий тажрибалар ибрат қилиб олинади, лекин ушбу фанлар таълим мазмунини ўзгартиришга доир жиддий тавсиялар бера олмайди. Бир томонлама интеграция деганда шу ҳолатлар назарда тутилади. Она тили дарсларининг адабиёт дарслари билан ўзаро интеграциялашувини ҳам икки томонлама, ҳам ташқи деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Зеро, она тили таълими мазмуни бадиий матндаги бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турлари устидаги ишлар билан бойийди (ташқи интеграция), адабий таълим мазмунида тегишли назарий тушунчаларни ўрганиш изчиллигини ўзгартиришга доир мақсадга мувофиқ тарзда таклифлар билдирилади.

Она тили ва адабиёт ўқув фанларини бадиий матн орқали ўзаро интеграциялашда бир неча асосий ёндашувлар қатори коммуникатив ёндашув алоҳида ўрин тутди. “Тилнинг асосий функцияси коммуникация – хабар қилиш бўлиб, таъсирлилик эса коммуникацияга қўшимча бўлади: баён қилинаётган фикрга қўшимча равишда шодланиш, аччиқланиш, хафа бўлиш, эркаланиш ва ҳоказолар ҳам қўшилади”. Бадиий матннинг эстетик таъсири эмоционал-экспрессив тил ҳодисалари, бадиий тасвир воситалари ёки шеърий санъатлар ёрдамида ҳосил қилинади. Демак, она тили дарсларида машқ материали сифатида берилган бадиий матнларга таълимий ва тарбиявий жиҳатдангина эмас, балки эстетик таъсир нуқтаи назардан ҳам қараш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув ўқитувчини икки ўқув фанини ўзаро интеграциялашга ундовчи омил сифатида юзага чиқади.

Тамойиллар сирасида ўқувчиларнинг она тилидан оладиган билимларига таяниш тамойили ажратилиб, унга кўра бадиий матннинг тил хусусиятлари икки ўқув фани бўйича бериладиган билимлар доирасида мувофиқлаштирилади. Масалан, она тили дарсларида сўзнинг кўчма маъноси ҳақида гапирилганда, бадиий матн орқали адабиётдан ўтиладиган кўчим ҳақидаги назарий маълумотга мурожаат этиш тўғри бўлади. Шаклдош сўзлар ўрганилгандан сўнг бадиий матндан тажнисни топтириш ва бадиий қийматини изоҳлатиш мумкин.

Адабиёт дарсларида ўрганиладиган назарий тушунчалар, уларни ўргатиш усуллари аниқлаш, адабий таълим мазмуни она тили таълими мазмуни билан интеграциялаш тадқиқотнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ишда мазкур масалалар бошланғич синфларнинг 3–4-синф “Ўқиш китоби” дарсликлари материаллари, 5–9-синфларда ўтиладиган назарий маълумотлар, дарслик ва дарслик-мажмуаларида асарлар юзасидан келтирилган савол ва топшириқлар таҳлили асосида аниқланган. Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарсликларида тасвирий воситалар сифатида 3-синфда *ўхшатиш*, 4-синфда *ўхшатиш* ва *жонлантириш* билан боғлиқ савол ҳамда топшириқлар берилган, *жонлантириш* атамаси ишлатилган. Лекин 5-синф адабиёт дастурида бошланғич синфларда танишилган *ўхшатиш*, *жонлантириш* тушунчалари ҳатто такрорлашга доир материал сифатида ҳам акс этмаган.

Диссертацияда 5–9-синф дарсликларидаги назарий маълумотлар ва ҳар бир асар юзасидан берилган савол ва топшириқлар таҳлил қилиб чиқилди. Ишда ушбу таҳлиллар муфассал баён қилинди; она тилидан ўтиладиган мавзулар билан интеграцияланмаган ҳолатлар кўрсатилди. Икки ўқув фанидаги мувофиқлик, энг аввало, она тили ва адабиёт дастурларидаги таълим мазмунида ҳал этилмаганлигига эътибор қаратилди.

5–9-синф “Адабиёт” дарслик ва дарслик-мажмуаларида ўрганилган бадиий тасвир воситаси ёки шеърини санъат турини мустаҳкамлаш мақсадида асар юзасидан уларни эслаш, вазифасини аниқлаш, тасвирда тутган ўрнига баҳо бериш, рамзий маъноси бор-йўқлигини айтиш, асардан мисоллар топиш, тегишли атамани эслаш, вазифасини аниқлаш каби она тили дарслари учун андаза олиш мумкин бўлган савол ва топшириқлардан фойдаланилган. Юқори синфларда бу ишлар ёзувчи ва шоирнинг бадиий маҳорати билан ҳам боғланган. Аммо ушбу синфлар дарслик-мажмуаларида айна бир атама ҳам насрий асарлар, ҳам шеърини асарларга нисбатан фойдаланилган, дастурдан четга чиқилган ҳолатлар мавжуд. Бу ҳолат ўқувчилар билимига салбий таъсир кўрсатган.

5–9-синф “Она тили” дарсликларида машқ материали сифатида келтирилган бадиий матнларда бадиий тасвир воситалари ва шеърини санъат турларига доир мисоллар, уларни таҳлил қилишга доир топшириқларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, бадиий услуб ҳақидаги назарий маълумотнинг етарли ёки етарли эмаслиги ўрганиб чиқилди.

Айтиш жоизки, тил ҳодисасининг лингвистик жиҳати ўрганилгандан сўнг унинг янги жиҳати – бадиий қиймат яратиш хусусиятига ўтиш ўқувчиларда она тилига бўлган қизиқишини оширади, бадиийликни таъминловчи воситалар билан амалий мақсадларда танишиш истагини уйғотади. Айниқса, ижод сир-асрорларини ўрганиш, ижодий топшириқларни бажариш заруриятини юзага келтиради.

Тадқиқот давомида жами 100 соатга яқин она тили ва қисман адабиёт дарслари кузатилди, ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказилди, сўровномалар тузиб, жавоблар олинди ҳамда таҳлил қилинди.

Кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, ўқитувчилар она тили дарсларида бадиий матн устида, асосан, дарслик қолипидида иш олиб бориб, асосан икки жиҳатига эътибор берадилар: дарслик асосида мавзу бўйича ўрганиладиган тил ҳодисасини топиш ва изоҳлаш; бирор тарбиявий муаммо. Ўқитувчилар кўпинча оддий ўқув матнларига қандай муносабатда бўлсалар,

машқ материали – бадий матнларга ҳам шундай муносабатда бўладилар. Шу сабабли бадий матндаги айрим бадий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларини аниқлашга доир топшириқ бермайдилар. Ҳолбуки, “...давр она тили дарсликларидан ўқувчиларга ўзбек тили қурилиши ҳақидаги билимни эмас, балки том маънода она тили имкониятини эгаллаш механизм ва усуллари беришни тақозо қилмоқда”⁴.

5–9-синф ўқувчиларининг иншо ёзиш учун қайси услуб турини танлашлари иншо мавзусига боғлиқлиги кузатилди. Улар услуб ҳақида тушунтириш берилмаса-да, услуб турлари ўрганилмаган бўлса ҳам, “Ватан нима?”, “Она – улуғ зот”, “Баҳор – фасллар келинчаги”, “Зумрад баҳор”, “Менинг келажакдаги орзуйим” каби мавзулар эълон қилиниши билан ёзма ишни кўтаринки руҳда ёзиш керак, деган фикрга келишлари маълум бўлди. Ўқувчиларнинг Ватан, она ҳақида, баҳор, келажак тўғрисида ёзган иншоларида ички ҳаяжон, тўлқинланиш, фахр ва ғурур туйғулари сезилиб туради. Сўзлар замирида яширинган ушбу руҳий ҳолатлар иншони бадийлаштиришга ундовчи қудратли омил бўлиб майдонга чиқади. Табиийки, мавзуни ёритиш жараёни ўқувчиларни бўёқдор, баландпарвоз сўзлар, сўз шакллари ва гаплар билан ўз туйғуларини баён этишга даъват қилади.

Иншолар таҳлили шунини кўрсатдики, ўқувчиларнинг деярли ҳаммаси ҳеч бўлмаганда бирор тасвирий ифодани, иборани, кўчма маъноли сўзни, мақолни, ҳикматли сўзни, ҳадисни тилга олади, ёзма иш боши ёки охирида бир неча мисра шеър келтиради.

2015–2016 ўқув йилида айрим мактабларнинг 9-синфларида карточка типидан назорат иши ташкил этилди. Бунда синфдаги ҳар бир қаторга алоҳида вариантда топшириқлар бўлиб, унда бадий матн, бир-икки байтдан иборат шеър берилди. Ўқувчилар матнни (шеърни) ўқиб, сўралган тил ҳодисасини: қайси бадий тасвир воситаси (шеърий санъат тури) эканлигини аниқлашлари, уни аташ ва изоҳлашлари кутилди. Ўқувчилар аксарият ҳолатларда тасвир воситаси бўлган сўз, сўз шакли ёки сўзларни аниқламасдан, изоҳламасдан, айрим ҳолларда аташ билан кифояландилар. Баъзи ўринларда улар бадий тасвир воситаси билан шеърий санъатларни фарқламадилар.

Айрим мактабларнинг 9-синфларида ўқувчиларнинг бадий тасвир воситалари ва шеърий санъатга доир билимлари, уларни ўзаро фарқлай олишларини аниқлашга қаратилган тест назорати ўтказилди. Тестларнинг бирида бадий тасвир воситалари саналган қаторни, иккинчисидан шеърий санъат турлари саналган қаторни кўрсатиш сўралди. Назорат иши билан жами 227 ўқувчи қамраб олинди. 1-тест топшириғига кўра ўқувчиларнинг атиги 121 нафари, 2-тест бўйича 55 нафари тўғри жавобни топа олган. Бундай ҳолатга адабиёт дарсларида таснифий маълумотлар махсус ўрганилмаслигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

⁴ Менглиев Б., Сувонова Х. “Она тили”ни эмас, “Она тили”дан ўргатиш керак. Ўзбекистон: тил ва маданият. Ўзбек тили таълими. – Тошкент, 2017. 58-б.

Тадқиқот ишида кузатишлар, назорат ишлари таҳлили асосида ўқувчилар билимидаги ноаниқликларни бартараф этиш, ўтилаётган билимларга аниқликлар киритиш, тўлдириш, уларни тартибга солиш, бадиий тасвир воситаларининг шеърӣ санъатлардан, шунингдек, лафзий санъатлардан қофия билан радифдан фарқли эканлигини акс эттириш, дарсликларга таснифӣ маълумотлар киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган, адабиёт фанидан ўрганиладиган таълим мазмунига айрим ўзгартиришлар киритиш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Ушбу таклифлар асосида қуйидаги жадвал берилган:

1.1-жадвал

Адабий тушунчаларни она тилидан ўтиладиган мавзулар билан интеграциялаш асосидаги таълим мазмуни


| Синф | Она тилидан ўрганиладиган ва юқори синфларда такрорланадиган тил ҳодисалари | Она тилидан амалий танишиладиган тил ҳодисалари | Адабиётдан ўрганиладиган амалдаги назарий тушунчалар | Таълим босқичини ўзгартириш ва янгидан ўрганиш тавсия этилаётган назарий тушунчалар |
|------|---|---|--|---|
| 5 | сўзнинг кўчма маъноси уядош сўзлар | (ўхшатиш шакллари -дек, -дай) | | ўхшатиш кўчим жонлантириш муболаға |
| | тасвирий ифодалар | | | перифраза |
| 6 | асос ва кўшимчалар (ўзакдош сўзлар) | | | иштиқоқ (байтда бир ўзакдан ташкил топ-ган сўзларни кўллаш) |
| | <i>унли ва ундош товушлар</i> | <i>бир хил ундош товушларнинг такрорланиши</i> | | аллитерация |
| 7 | <i>шаклдош</i> | | | тажнис |
| | <i>уядош сўзлар кўмакчи сўзнинг кўчма маъноси</i> | | таносуб ташбиҳ кўчим (<i>мажоз, рамз, истиора</i>) | |
| | <i>сўзнинг кўчма маъноси</i> | матн турлари | бадиий образ | таснифӣ маълумот |
| 8 | <i>шаклдош сўзлар зид маъноли сўзлар</i> | | тажнис ирсоли масал | тазод |
| | сифатловчи аниқловчи | | | сифатлаш |
| | ундалма | | | нидо |
| | гап бўлаклари тартиби | | - | синтактик фигуралар (градация) |
| 9 | нутқ услублари | сўз ва гапларнинг такрор кўлланиши | | бадиий такрор анафора таснифӣ маълумот (такрорлаш) |

Мумтоз асарларни ўқиб-ўрганиш, айниқса, Алишер Навоийни мутолаа қилиш заруриятга айланган бугунги кунда бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турлари ҳақида таснифий билимларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

“Она тили дарсларида бадиий матн устида ишлаш методикасини такомиллаштириш” деб номланган иккинчи бобда она тили дарсларида бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларини интегратив тарзда ўрганиш мазмуни компонентлари ҳақида сўз юритилган, ўқувчиларнинг эстетик тарбияси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган, иш турларининг изчиллиги асосланган, ҳар бири доирасида амалга ошириладиган таълим жараёнининг тафсилоти қамраб олинган ҳолда методик тавсиялар баён қилинган.

Адабиёт дарсларида танишилган назарий тушунча ва маълумотлардан интеграциялаш асосида фойдаланган ҳолда бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш мазмуни яхлит бир механизмни ташкил этиши керак. Бу механизм биринчи навбатда таълим мақсадларига мос равишда танланадиган билимларни ўргатиш, уларни кўникма ва малакаларга айлантириш учун хизмат қиладиган иш турлари изчиллиги ёрдамида таъминланиши зарур.

2.1-расм. Бадиий тасвир воситалари ёки шеърий санъат турлари устида олиб бориладиган иш турларининг босқичлари.



Билим, кўникма ва малакалар (БКМ)нинг шаклланиш жараёни маълум изчилликдаги иш турлари орқали ташкил қилинади: бадиий матннинг тил

хусусиятларини ўрганиш мақсадни белгилашдан бошланиб, бадиий матнни ифодали ўқиш, унинг тил хусусиятларини аниқлаш (топиш), аташ, изоҳлаш, бадиий услубда матн яратиш жараёнида шунга қадар эгалланган БКМлардан фойдаланиш изчиллигида амалга оширилади (2.1-расмга қаранг). Модул сифатида тақдим этилган расмда ажратилган бадиий услубда матн яратиш устидаги ишлар мазкур услуб тури ўрганилган даврдан кейин (8-синфдан бошлаб) амалга оширилади. Лекин дастлабки беш иш турининг жорий этилишида синфлар бўйича айрим тафовутлар бўлиши таъминланади. Бу тафовутлар бадиий тасвир воситалари ёки шеърини санъат тури иштирок этган бадиий матннинг соддадан мураккабга қараб танланиши, ифодаланишида ҳам осондан қийинга томон бориш тамойили кўзда тутилишида намоён бўлади. Масалан, ўқитувчи 5-синфда ўхшатиш устида ишланар экан, дастлаб унинг *-дек*, *-дай* қўшимчалари билан шаклланган сўзлар, ўхшатиш мазмунини англатадиган синтактик қурилмалар қатнашган матнлардан фойдаланади. Кейинги босқичларда мураккаброқ ифодаланиш шаклли сўзлар қатнашган парчаларга мурожаат этади.

Диссертацияда ижодий фикрлаш билан боғлиқ масалалар кенг ёритилган. Шунингдек, бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш мазмунидаги билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиб бориши масаласига алоҳида саҳифалар ажратилган, ҳар бирининг чегараси аниқ кўрсатиб берилган.

Билимларни икки ўқув фанида олдинма-кейин ўрганиш, ўқувчиларнинг билим савиясидан келиб чиқиш уларни теран фикрлашга ундайди. Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида фандан фанга ўтиб туришнинг аҳамияти ҳақида шундай дейилади: “...Ўқувчи фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди. Бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши “Ҳар бир янги нарсада ўзига яраша лаззат бор” дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди. Бир хил нарса чарчатади, хотирага малол келтиради”. Бадиий матнларни ўрганишга бўлган бундай ёндашув тил ва адабиёт интеграциясини юзага келтириб, ўқувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда адабиёт дарслари амалий лаборатория вазифасини бажаради.

Ушбу бобда бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганиш муаммоларидан бири – бадиий матнни ифодали ўқиш масаласига эътибор қаратилган. Дастлаб ўқувчиларнинг бадиий-эстетик идрокини ишга тушириш мақсадини кўзда тутган ҳолда асардан олинган парча ифодали ўқитилади. Шундай таълимий тадбирдан кейингина унинг тил хусусиятларига эътибор пайдо бўлади. Бундай бошловнинг ўзига хос психологик асослари бор. Психологияга доир манбаларга кўра она тили дарсларидаги бадиий идрок адабиёт дарсларидаги ифодали ўқиш пайтидаги бадиий идрокдан фарқ қилади. Психолог олим О.К.Тихомиров идрок этиш майдони тушунчаси ҳақида гапириб, гештальтпсихологларнинг шу ҳақдаги фикрини келтиради ва буни қуйидаги тарзда изоҳлайди: “Уларнинг фикрини шундай тушунмоқ керакки, идрок этиш майдони аввал бошданок таркибий қисмларга бўлинган

бўлади: инъикос пайтида идрок этилаётган предметнинг нимасидир биринчи планга чиқадиган (фигура деб номланадиган) ва иккинчи планга кўчадиган (фон деб аталадиган) томонлари ўзаро ажралиб туради. Фигура ва фон ўртасидаги муносабатлар ҳаракатчан бўлиб, ўзгариб туради, яъни кишининг нигоҳи маълум вақтда нимада қайд этилса, шу фигура бўлиб қолади, бошқалари эса фонга кўчади”. Шундай бўлгач, она тили дарсларида ўқувчи тил ҳодисасини қидираётган пайтда идрок биринчи навбатда тил ҳодисасига қаратилади, адабий материалнинг бадиий хусусиятлари фон сифатида иккинчи планда қабул қилинади, деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Топширик асосида ўқувчиларнинг эътибори адабий материалга, унинг тил хусусиятларига йўналтирилганда, ушбу материаллар фигурага айланади.

Диссертацияда матндан бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат турини топиш, аташ, бадиий матндаги бадиий тасвир воситаси нима учун хизмат қилаётганини аниқлаш, изоҳлаш, таҳлил, жумладан, мажмуавий таҳлил қилиш мазмунидаги иш турлари атрофлича талқин этилган.

Ўқитувчи ўқувчилардан қандай бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларини билишлари ҳақида сўраб билгандан сўнг уларга матнни яна бир марта ичдан ўқиб чиқиб, унда қайси бадиий тасвир воситалари ёки шеърий санъат тури борлигини айтиш (топиш ва аташ) вазифасини топширади. Ушбу иш тури ўқувчининг бадиий тасвир воситаси ҳақида берилган маълумотни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун хизмат қилади. Навбатдаги иш тури сифатида ушбу тасвир воситасини изоҳлаш вазифаси берилади. Ўқувчилар шу йўл билан аниқланган бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат турига доир дастлабки билим ва кўникмани эгаллай бошлайди. Ниҳоят, бадиий матннинг тил хусусиятларини мажмуавий таҳлил қилишга ўтилади. Бу даврга келиб ўқувчиларда тегишли малакалар ҳосил бўла бошлаган бўлади.

Таҷрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчилар жонлантириш ва муболағани топишда бир оз қийналадилар. Лекин образлиликни вужудга келтирган сифатлашларни ажратишда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Шунга кўра ҳам матндан сифатлашни аниқлаш билан боғлиқ машқларга кўпроқ ўрин ажратиш лозим.

Ўқитувчи бадиий матнда (ёзувчи ва шоирлар ижодида) сўз ва сўз шакллари ишлатиш маҳоратига ўқувчиларнинг эътиборини тез-тез қаратиб турса, бу ишлар уларда ижобий одатлар, тегишли малакаларнинг шаклланишига ёрдам берган бўлади.

Матндаги бадиий тасвир воситасини топиш ва изоҳлашга доир савол ҳамда топшириқлар ўқувчиларда тил ҳодисаларига нисбатан янгича қарашни юзага келтиради, уларнинг фикрлашини бадиий ижод сирасорлари сари йўналтиради; савол ва топшириқлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади, ҳаёт лавҳалари асосида қандай бадиий-тасвир воситалари билан фикр юритиш, образ яратиш мумкинлигидан сабоқ беради.

Диссертацияда психолог ва методист олимларнинг фикрларига таянган ҳолда “ижодий тафаккур соҳиби”, “ижодий нутқ соҳиби” тушунчаларининг

талқини, ижодий ва мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш вазифалари ёритилди.

Тадқиқот ишида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантиришга доир бир қатор самарали иш турларини бажариш тавсия этилган.

Тадқиқот давомида бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганаётган ўқувчи ўз нутқ маҳсулини яратиш, шу ишлар билан элементар даражада шуғулланиш, ёзилган ижодий ёзма ишни таҳрир қилиш орқали ўз ижодий тафаккурини камол топтириши кузатилди.

Она тили дарсларида бадиий матндан ўқувчиларни тилимизнинг бой имкониятлари билан таништириш билангина кифояланмасдан, бадиий ижодга ундаш, бир сўз билан айтганда, ижодий тафаккурини ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифалари саналади.

Ижодий иншо учун сўз танлаш, образлар яратиш, воқеа-ҳодисаларни бадиий услубга яқинлаштириб ҳикоя қилиш каби иш турлари ўқувчиларни ижодкорликка ундаш омили бўлиб хизмат қилади, бу эса она тили дарслари самарадорлигини янада оширишни таъминлайди.

“Она тили дарсларида бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганишга доир тажриба-синов дарслари самарадорлиги” деб номланган учинчи бобда бир неча синф учун мўлжаллаб тайёрланган тажриба-синов материаллари, тажриба-синов дарсларини ташкил этиш масалалари ва назорат ишларини ўтказиш параметрлари баён этилган.

Тажриба-синов материалларини тайёрлашда ўқувчиларнинг бадиийликни таъминлашда фойдаланиладиган тил ҳодисаларига доир билим савияси, асосий камчиликлар ва уларнинг сабабларини ҳисобга олиб, синов дарслари орқали эришиладиган қуйидаги уч параметр билан тавсифланувчи билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

бадиий матнни ўқиб, ундан бадиий қиймат яратишда ёзувчи маҳорат билан фойдаланган маъно-мазмунни кучайтирувчи тил ҳодисасини, бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат турини аниқлай олиш;

маъно-мазмунни кучайтирувчи тил ҳодисасини, бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат турини атай билиш;

уни изоҳлай олиш.

Ўқувчилар бадиий матндан бадиий тасвир воситаси ёки шеърий санъат турини аниқлай, атай ва изоҳлай билсалар, кейинроқ ижодий ёзма ишни шу воситалар билан бойита оладилар; акс ҳолда, буларни ўзлаштирмаган ёшларнинг иншоларида жиддий ўзгаришлар фақат интуитив анланган ҳолда содир бўлиши мумкин, холос.

Тажриба материаллари дарс ишланмалари кўринишида қуйидаги мавзулар бўйича тайёрланди: 5-синфда *ўхшатиш* ва *жонлантиришни* (5-дарс); *рамзни ўргатиш* (5 дарс); 7- ва 8-синфларда шеърий санъат турларидан *таносибни ўргатишга доир* (7 дарс). Ишда кўрсатилган мавзулар юзасидан ушбу дарсларнинг ишланмалари берилди.

5- ва 7-синфлар учун мўлжалланган дарслар 8-синфда ҳам такрорлаш асосида мустаҳкамланди. Бундан мақсад келаси 2016–2017 ўқув йили бошида аввалги ўқув йилида синов дарслари ўтказилган мактабларнинг 9-синфларида ўқувчилар онгида сақланиб қолган БКМларни аниқлаш учун якуний назорат ишларини ташкил этиш бўлди.

2015–2016 ўқув йилида синов дарсларини бошлашдан олдин ушбу мактаблар 9-синф ўқувчиларининг амалдаги дарсликлар асосида бадиий матндан бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларини аниқлаш, аташ ва изоҳлашга доир билим, кўникма ва малакалари савияси қай ҳолатда эканлигини аниқлаш мақсадида назорат ишлари ўтказилди.

Нazorat учун насрий парчалар ва шеърий мисралардан фойдаланилди.

Синовдан аввал ва кейин тажриба-синов материаллари асосида ўтказилган дарслардан кейинги сифат ўзгаришларни ўзаро таққослаш мақсадида амалга оширилган назорат ишлари натижалари математик ҳисоблаб чиқилди. Математик таҳлил натижалари аввал ҳар бир мактаб ва синф бўйича, кейин синфлар ва ўқувчилар сони умумлаштирилган жамлама жадвалларда акс эттирилди (3.1-жадвалга қаранг).

3.1-жадвал

Бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларига доир тажриба-синовдан олдин ва кейин ўтказилган назорат ишлари натижаларининг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш кўрсаткичлари

| Нazorat ишининг вақти: тажриба-синовдан | Топширик турини бажарган жами ўқувчилар сони | Тил ҳодисасини | | Тил ҳодисасини | | Тил ҳодисасини | |
|---|--|----------------|--------------------------------|----------------|--------------------------|----------------|--------------------------------|
| | | аниқлаган | аниқламаган ёки хато аниқлаган | атаган | атамаган ёки хато атаган | изоҳлаган | изоҳламаган ёки хато изоҳлаган |
| олдин | 218 | 58 | 160 | 105 | 113 | 33 | 214 |
| кейин | 237 | 167 | 70 | 186 | 51 | 31 | 206 |

